# ЛЕНИНИЗМ—ЗАФАР БАЙРОҒИМИЗ

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 79 (5940). ● 22 апрель, 1977 йил ⊙ ЖУМА Баҳоси 2 тийин.



В. И. ЛЕНИН, 1918 йил 16 октябрь. ТАСС фотохроникаси.

ЛЕНИН—РЕВОЛЮЦИЯМИЗНИНГ БАЙРОҒИ, ПАРТИЯМИЗНИНГ АСОСЧИСИ, ДУНЁДА БИРИНЧИ СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТНИНГ БИНОКОРИ БУЛГАНЛИГИ УЧУНГИНА БИЗГА АЗИЗ БУЛИБ ҚОЛМАЙ, УНИНГ ЎТКИР ИЖОДИЙ ЗАКОВАТИ ВА ЕНГИЛМАС МАНТИҚИ, АНАЛИЗИНИНГ ТЕРАНЛИГИ ҲАМДА ХУЛОСА ВА ҲАРАКАТЛАРИНИНГ ДАДИЛЛИГИ, УНИНГ БЕҚИЁС ЖУШҚИН РЕВОЛЮЦИОНЕРЛИГИ ВА ШУ БИЛАН БИРГА УЛУҒВОР ИНСОНИЙЛИГИ, КАМТАРЛИГИ ВА СЕЗГИРЛИГИ — АНА ШУЛАРНИНГ ҲАММАСИ ҲАЁТДА БИЗГА МЕЗОН, ҲОЗИРГИ ИШЛАРДА БЕБАҲО ТАЯНЧ ВА МАДАД КУЧИ БЎЛИБ КЕЛГАНЛИГИ ВА ШУНДАЙ БУЛИБ ҚОЛИШИ УЧУН ҲАМ,— ВА, ЭҲТИМОЛКИ, АЙНИҚСА, ШУНИНГ УЧУН ҲАМ У БИЗГА АЗИЗ ВА МУЪТАБАРДИР. ДАРҲАҚИҚАТ, ШОИР ЖУДА ГЎЗАЛ ГАП АЙТГАН: «ЛЕНИН ҲОЗИР ҲАМ ҲАММА ТИРИКЛАРДАН ТИРИКРОҚ».

Л. И. БРЕЖНЕВ.

## ҲАМИША БАРҲАЁТ

АПРЕЛЬ. Сўлим баҳор ўзининг турфа гулларини ҳадя этиб, келинчакдек безанган ажиб бир айём. Ҳар йили ана шу айёмда биз энг улуғ зот — севимли доҳиймиз Владимир Ильич Ленин туғилган кунни нишонлаймиз.

Ҳар сафар биз шу тантанали кунда Владимир Ильичнинг порлоқ хотираси қаршисида бамисоли ҳисоб берамиз. Бизнинг бугунги ҳисоботимиз ўзининг шонли тўйи — олтмиш йиллигини ўтказишга тараддуд кўраётган Совет давлатимизнинг тарихий зафарлари ва илҳомбахш истиқболларидан иборат. Бу буюк ғалабалар Октябрь ишининг бевосита давоми, улуғ Ленин ғояларининг амалга оширилганлигидир.

Доҳий революционер ва мутафаккир, партиямиз бунёдкори, дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси — В. И. Ленин туғилган куннинг 107 йиллигини совет кишилари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажариш борасида сиёсий ва меҳнат активлиги янада кучайган, улуғ Ленин партияси теварагига маҳкам жипслашган бир вазиятда кутиб олмоқдалар.

Яқиндагина бўлган коммунистик шанбалик халқимиз ташаббускорлиги ва ватанпарварлигининг ажойиб намойишига айланди. Унда биргина пойтахт областимиздан 1 миллион 700 мингга яқин киши қатнашиб, 1,5 миллион сўм беш йиллик фондига ўтказилди. Шанбаликнинг аҳамияти бугина эмас. Шанбаликда халқнинг Ленинга чексиз ҳурмат-эҳтироми ва абадий сўнмас меҳр-муҳаббати, шонли анъаналарга садоқати ўз ифодасини топди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида айтганидек, «Совет халқининг ҳозирги кундаги бунёдкорликлари Октябрь ишининг бевосита давомидир. Бу бунёдкорликлар улуғ Ленин ғояларининг амалда мужассамланганидир».

Барча совет халқи қатори ўзбек халқи ҳам бугунги бахтли ҳаёти, ширин турмуши, порлоқ истиқболи учун Лениндан, жонажон ленинчи Коммунистик партиядан бениҳоя миннатдор. Доҳий ўзининг жўшқин фаолияти билан ўлкамиз халқлари тақдирига ҳал қилувчи таъсир кўрсатганлигини ҳамон алоҳида ҳурмат билан эслаймиз. В. И. Ленин барча чекка ўлкаларнинг халқлари каби Туркистондаги қолоқ халқларнинг бахтли келажагини олдиндан кўра билди. У Шарқ халқлари миллий озодликка чиқишининг гарови — Россия ва бутун халқаро пролетариат билан биргаликда кураш олиб боришдан иборат, деб уқтирган эди. Ленининг ташаббуси ва унинг раҳбарлигида бу ўлкани ўзгартириш юзасидан жуда катта тадбирлар кўрилди. Унинг Туркистон коммунистларига ёзган мактуби, суғориладиган деҳқончиликни, ҳусусан, пахтачиликни ривожлантиришга муҳим аҳамият берганлиги, саводсизликни тугатиш учун катта кучларни сафарбар этганлиги, ленинча миллий сиёсатнинг изчиллик билан амалга оширилиши — буларнинг ҳаммаси ўзбек халқининг бахтли келажагини таъминлашга хизмат қилди.

Ленин ғояларининг тантанасини кўрмоқчи бўлсангиз, ҳозирги яшнаган диёримизга, жонажон Тошкентимизга бир назар ташлаш кифоя. Чор атроф обод, кўркам, ҳаммаёқда яратувчилик меҳнати ҳукмрон. Шаҳару қишлоқлар Ильич чироқлари билан чароғон. Халқимиз юрт бойлиги, ижтимоий бойликни кўпайтириш учун ижодий меҳнат билан банд. Фан ва маданият равнақ топган, санъат юксалган.

Ҳа, доҳий шарофати, унинг башорати ва заковати билан саводсизлик, қолоқлик аллақачонлар чекинди, маърифат ўчоқларининг кўпдан-кўп тармоқлари вужудга келди.

Совет халқларининг қардошлик оиласида ўсиб камол топган ўзбек халқи оғир, асрий қолоқлик исканжасидан капитализмни четлаб ўтиб, тараққиётнинг нурли йўлига ўтиб олган экан, бу фақат жонажон Россиянинг, рус ишчилар синфининг ёрдами туфайлигина мумкин бўлди. Биз ана шулар ҳақида фахр билан гапирар эканмиз, оғамиз рус халқининг барча совет халқларига, жумладан Ўзбекистон халқига дўстлик, қардошлик ёрдамидан беҳад мамнунмиз.

Совет халқининг маънавий-сиёсий бирлиги, қардошларча дўстлиги мустаҳкамланиб бораётганлиги, социалистик демократия тўхтовсиз ривожланаётганлиги, бутун ижтимоий ҳаётимизнинг бойиб бораётганлиги Коммунистик партиянинг, партия Марказий Комитетининг Ленин васиятларига оғишмай амал қилаётганлигини кўрсатади. Партия, бутун совет халқи ривожланган социалистик жамиятни янада такомиллаштиришнинг хилма-хил вазифаларини ҳал этишда Ленин таълимотига асосланмоқда.

Шу ўринда ҳозир бутун мамлакатимизда авж олиб кетган юбилей олди мусобақасини эслаш кифоя. Маълумки, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда меҳнаткашларнинг социалистик мусобақасига В. И. Ленин жуда муҳим аҳамият берган эди. Партия Ленин кўрсатмаларини бажара бориб, меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг ҳамма формаларидан тўлиқ фойдаланишга, ташаббускорлик, ижодий почин учун кенг имконият очиб берувчи социалистик мусобақани ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. Хўжаликни юритишда барча ишни шундай йўлга солиш керакки, деб таълим берган эди. В. И. Ленин, «онгли ишчи ўзини ўз заводида фақатгина хўжайин деб ҳис қилиб қолмасдан, балки мамлакатнинг вакили эканлигини ҳам, ўз устидаги масъулиятни ҳам ҳис қилсин».

Коммунистик қурилиш бутун халқнинг, ҳар бир совет кишисининг ишига айланди. Коммунизм иқтисодий программасининг муваффақиятли бажарилаётганлиги унинг онглилиги, ташаббускорлиги, профессионал маҳоратига боғлиқ бўлиб турибди.

Халқаро воқеалар ҳам социализм фойдасига ривожланиб бормоқда. КПСС ўтказаётган Тинчлик программасининг ютуқлари, халқаро кескинликнинг юмшатилиши, партиямиз, унинг Марказий Комитети ҳамда ўртоқ Л. И. Брежнев бошлиқ Сиёсий бюро ленинча ташқи сиёсатга амал қилаётганлигини намойиш этмоқда. Бу сиёсатни барча совет халқи, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун кураш олиб бораётган жаҳондаги ҳамма тараққийпарвар кишилар қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

Биз ҳар йили доҳий Ленин туғилган кунни нишонлар эканмиз, ўзимизни ленинизмнинг мусаффо сарчашмаларидан яна ва яна баҳраманд бўлгандек ҳис этамиз. Ленинизм бизнинг абадий ғолиб байроғимиз, енгилмас таълимотимиздир.

Ленин кўрсатган йўл энг ёруғ, нурафшон йўл — коммунизмдир. Биз бу йўлдан ишонч билан олға бораверамиз.

## ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

Совет кишилари Коммунистик партия билан дунёда биринчи социалистик давлат асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 107 йиллигини партия XXV съезди чизиб берган бунёдкорлик ишларини жўш урдириб кутиб олмоқдалар. Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, зиёлилари коммунистик қурилишларга ўз муваффақиятларини, ўзларининг барча зафарларини халқларнинг улуғ йўлбошчисига, энг азиз ва жонажон инсонга бағишламоқдалар.

21 апрель куни А. Навоий номли давлат академик Катта опера ва балет театрида Ильич туғилган кунга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ишлаб чиқариш илғорлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Совет Армиясининг генераллари ва офицерлари, революцион жангларнинг ветеранлари театр залига келдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев президиумга чиқадилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев очади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини фахрий президиумга сайлаш тўғрисидаги таклиф гулдурос қарсаклар билан кутиб олинади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков доклад қилди.

Ленининг ҳар бир йиллиги, дейди докладчи, ижтимоий-сиёсий ҳаётда катта воқеадир. Бу гал Ленин йиллиги Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги нишонланадиган бир пайтда ўтаётганлиги диққатга сазовордир. Улуғ Октябрь — синфий курашнинг ленинча стратегияси ва тактикаси, Ленининг революция назариясининг чинакам зафаридир.

КПСС XXV съезди Ленин иши ишончли қўлларда эканлигини, партиямизнинг, унинг жанговар штаби — КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг ҳозирги замон буюк давлат ва сиёсат арбоби, тинчлик ва социал тараққиёт учун оташин курашчи, синалган марксчи-ленинчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюроси қўлида эканлигини яққол кўрсатди.

Коммунистик партия раҳбарлигидаги совет халқи Ленин васиятларини амалга ошириб, ривожланган социалистик жамият қурди. Улуғ Ленининг орзулари ушалди — Ўрта Осиёдаги совет республикалари, шу жумладан, Ўзбекистон социализмнинг Шарқдаги машъали, мустамлакачилик зулмини улоқтириб ташлаган чет мамлакатлар меҳнаткашлари учун илҳомбахш намуна, янги турмуш мактаби бўлиб қолди.

Докладчи Ильич васиятларини, КПСС XXV съезди белгилаб берган йўлни комил ишонч билан амалга ошираётган Коммунистик партиянинг оқилона сиёсати тўғрисида батафсил гапиради. Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам советлар мамлакатининг шонли юбилейини муносиб кутиб олмоқдалар, деб таъкидлайди у. Бутуниттифоқ ленинча Коммунистик шанбалиги бутун Ўзбекистонда меҳнат байрами бўлди. Буюк почин ғояларининг ҳаётийлигини, омманинг ижодий активлиги очиб бераётган катта-катта имкониятларни яна бир карра намойиш қилди.

Ленин байроғи, Улуғ Октябрь байроғи меҳнат аҳлининг озодлик, социал тараққиёт учун, тинчлик ва социализм иши тантанаси учун кураш йўлини ёритиб турибди.

* * *

Тантанали йиғилиш қатнашчилари учун катта концерт берилди.

(ЎзТАГ).

## ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ЎРТОҚ Э. БАБЮХНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Польша бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ Э. Бабюхни 21 апрель куни Кремлда қабул қилди. Ўртоқ Э. Бабюх партия қурилиши соҳасида КПССнинг иш тажрибаси билан танишмоқ учун КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Москвага келган. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Л. И. Брежнев КПСС билан ПБИП ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига тўхталиб ўтди. Бу ҳамкорлик совет ва поляк халқлари ўртасидаги самимий дўстлик ва қардошлик муносабатларини мустаҳкамлашнинг энг асосий омилидир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Польшада Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ҳаракат кенг авж олдирилганлигига Совет Иттифоқида юксак баҳо берилаётганлигини таъкидлаб, поляк халқининг ана шу шонли юбилей шарафига қўлга киритаётган меҳнат муваффақиятлари мамлакатларимизни ва бутун социалистик ҳамдўстликни ягона мустаҳкам оилага бирлаштириб турган социалистик интернационализм буюк кучининг янги ёрқин намойиши бўлади, деб чуқур ишонч билдирди.

Самимий ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган суҳбатда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири ўртоқ К. В. Русаков иштирок этди.

(ТАСС).

Республикамиз бир группа маккажўхорикорларининг ҳар гектар майдондан 100 центнер ва ундан ошириб «қаҳрабо дон» йиғиштириб олиш юзасидан бошлаб берган ташаббусига Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг Петр Тен бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам қўшилишган. Улар 100 гектар майдондан 100 центнердан ҳосил кўтариш учун курашишмоқда. Ҳозир бригада далаларида маккажўхорига ишлов бериш қизғин давом этмоқда. Бу ишда механизаторлардан Тоҳир Сайфулин, Иван Кимлар ўрнак кўрсатишяпти.

А. Абалян фотоси.





## ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

**ПАХТА.** Ҳосилдорликни гектар бошига 35 центнерга етказамиз. 1-«Пискент» совхозининг Ўринбой Муборақов бошчилик қилаётган бригадаси пахтакорларининг бу йилги азму-қарорлари ана шундай. Бригада аъзолари мавжуд 118 гектар пахта майдонига чигит суви бермоқдалар. Бир текис ундириб олинган ғўза ниҳолларига эса биринчи ишлов беришга ҳозирлик кўрилмоқда. Механизаторлар Эгамберди Салимбоев, Нурмат Норматовлар ўз агрегатларига культиваторнинг ишчи органларини тиркаб қўйдилар. Сўзи ва иши бир бригада аъзолари айни кунларда 420 тонналик «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**Ҳ. ҚОБИЛОВ.**
**Пискент райони.**

* * *

**ДОН.** А. Жданов номли 27-ўрта мактаб ўқувчилари дончилик бригадасини ташкил қилдилар. Ўқувчилар дала ишларини эрта кўкламданоқ зўр уюшқоқлик билан бошлаб юбориб, 26 гектар майдонга маккажўхори уруғи қададилар. Ҳозир дала маликаси бир текисда униб чиқиб, яхши ривожланмоқда. Бригада аъзолари маккажўхори донига биринчи ишлов беришни бошлаб юбордилар. Мактаб ўқувчилари бу йил маккажўхори дони ҳосилини гектар бошига 80 центнерга етказиб, Навоий номли колхознинг улкан хирмонига ўзларининг баракали улушларини қўшадилар.

**М. АБДУКАРИМОВ,**
**Бекобод райони.**

* * *

КАНОП. «Интернационал» колхозининг меҳнаткашлари бу йил 400 гектар майдонга каноп экадилар. Ҳосилдорлик ҳар гектар ҳисобига 200 центнерга етказилади. Колхоз лубкорлари бу соҳада бой тажриба орттиришган. Улар ўтган йили давлат қабул пунктларига пландаги 8075 тонна ўрнига 8670 тонна сифатли каноп пояси етказиб бердилар. Айни кунларда колхоз лубкорлари канопга биринчи ишлов беришга қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. Бу экинни парваришлашда колхознинг 22 миллат вакили бир ёқадан бош чиқариб, меҳнат қилмоқда.

**Э. ЭРКИНОВ.**
**Янгийўл райони.**

* * *

Шунингдек редакциямизга жамоатчи мухбирлардан **А. Ҳамзаев, П. Норжигитов, Х. Тўрабеков** (Бекобод), **Д. Файзиева** (Янгийўл) ўртоқлар ҳам дала меҳнаткашларининг айни кунларда амалга ошираётган ибратли ишлари ҳақида хат-хабарлар йўллашган.

## ТОШКЕНТДА НАШР ЭТИЛДИ

«Прогресс» нашриётининг Тошкент бўлими В. И. Ленин асарларидан бир нечтасини араб тилида босиб чиқарди.

Янги китоблар орасида «Совет социалистик демократияси тўғрисида» номли тўплам бор. Тўпламга «Давлат ва революция» китобининг айрим боблари, «Ишчилар синфи ва миллий масала», «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» мақолалари ва Ленининг бошқа асарлари киритилган.

В. И. Ленининг «Большевиклар давлат ҳокимиятини сақлаб қола оладиларми?» деган асари алоҳида китобча ҳолида чиқарилди.

(ЎзТАГ).

